

Каъбанинг бино қилиниши



15:31 / 31.05.2025 2586

Тарихий ривоятларда келишича, Каъба тарих мобайнида 12 марта қурилган.

Улар қуйидагилар:

1. Фаришталар.
2. Одам алайҳиссалом.
3. Шис ибн Одам алайҳиссалом.
4. Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом.
5. Имлиқ.
6. Журҳум.

7. Қусай ибн Килоб,
8. Қурайш.
9. Абдуллоҳ ибн Зубайр (ҳижрий 65, милодий 684 йил).
10. Ҳажжож ибн Юсуф (ҳижрий 74, милодий 693 йил).
11. Султон Мурод Усманий (ҳижрий 1040, милодий 1630 йил).
12. Саудия Арабистони подшоҳи, икки шарафли ҳарам ходими Фаҳд ибн Абдулазиз (ҳижрий 1417, милодий 1996 йил).

Байтуллоҳ биринчи қурилган кундан буён минг йиллар ўтган бўлса-да, унинг пойдевори бақувват ва мустаҳкам экани намоён бўлади. Уни Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар кўтаришган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

«Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб...» деб айтган (*Бақара сураси, 127-оят*).

Сўнгра Каъба биноти мана шу пойдевор устига бир неча марта қурилган. Бу ҳақда Язид ибн Румон айтадилар: «Ибн Зубайр Каъбани бузиб, қайта қурганида у ерга тошларни киргизди. Мен ўша ерда Иброҳим алайҳиссалом пойдевор қилиб қурган тошларни кўрдим, у худди туянинг ўрқачига ўхшар эди».

Имом Бухорий ривояти.

Бундан билинадикки, Ибн Зубайр Каъбани эски пойдевор устига қурганлар. Ҳижрий 1417, милодий 1996 йили ернинг остидаги 1 метр 40 см чуқурликда ана шу эски пойдевор кашф қилинди. Аён бўлдики, пойдевор тошлари бир-бирига мустаҳкам киришиб, унинг ўртасини боғлаб турган ҳеч қандай тиргак йўқ эди. Ана шу пойдевор устига янгидан уй қурилаверган.

Бу пойдевор қурилганига беш минг йил бўлгани, ҳаво инжиқлиқлари, селлар келишига қарамасдан, ҳеч нарса бўлмаганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бунга яна Иброҳим алайҳиссаломдан олдин қурилган пайтани ҳам қўшамиз. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу пойдевор Каъбани кўтариб туришга салоҳиятлидир. Демак, Каъба пойдевори холис тавҳид ва тўғри дин учун абадий мўъжиза бўлиб қолажак, иншааллоҳ.

Қурайш Каъбани аввалгиларига қараганда анча яхши бино қилган эди. Юқорида эса Каъбани Ибн Зубайр қурганлари ҳақида айтиб ўтдик. Бу Ҳажжож уни вайрон қилганидан кейинги қурилиш эди.

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи,
ҳаж ва умра маносиклари» китобидан.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/ 6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.